



## СУВ ВА ГИДРОТЕХНИКА ИНШОТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ, ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИ ЮЗАГА КЕЛТИРУВЧИ ТАШКИЛИЙ (ИНСТИТУЦИОНАЛ) САБАБ ВА ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Музаффаров Мизроб Олим ўғли  
Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси  
магистратура тингловчиси I

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11393392>

### ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> April 2024

Accepted: 25<sup>th</sup> May 2024

Published: 30<sup>th</sup> May 2024

### KEYWORDS

*Сув, гидротехника  
иншоотлари, ирригация,  
мелиорация, коррупция,  
ташкилий  
(институционал) сабаб  
ва омиллар.*

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада сув ва гидротехника  
иншоотларидан фойдаланиш, ирригация ва  
мелиорация соҳасида коррупцияни юзага келтирувчи  
ташкилий (институционал) сабаб ва омиллар ва  
уларни бартараф этиш масалалари таҳлил  
қилинган.*

**Асосий қисм.** Барча соҳаларда бўлгани сингари сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, ирригация ва мелиорация соҳасида коррупцияни юзага келтирувчи ташкилий сабаб ва омиллар мавжуд.

**Биринчидан,** ушбу тизимдаги коррупцияни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан бири бу иш ҳаққи, яъни маошнинг кам эканлиги ҳисобланади.

Бугунги кунда вилоят миқёсида таҳлил қилинадиган бўлса, Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотига кўра, энг юқори маош қўшимча рағбатлантиришлар билан бирга 4 млн. 65 минг сўм, энг кам маош 1 млн. 624 минг сўм эканлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида минимал истеъмол харажатлари миқдори 2021 йилда 440 минг сўм, 2022 йил январда 498 минг сўм, 2023 йил июль ойида 568 минг сўм, 2024 йил учун эса бир ойга киши бошига 621 минг сўм<sup>1</sup> этиб белгиланган.

“Истеъмол саватчаси ўзи нима деганда, муайян вақт давомида инсон ҳаёти ва унинг саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товарлар ва хизматларнинг энг кам тўплами ҳисобланиб, бунга озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат товарлари (кийим-кечак, поябзал, зарур буюмлар, дори-дармонлар, маданий-маиший ва хўжалик учун мўлжалланган товарлар ва ҳ.к) ва хизматлар (комунал, транспорт, маданий-маърифий) эканлиги кўрсатилган<sup>2</sup>.

Бундан кўринадики, бугунги кундаги киши бошига белгиланган минимал истеъмол миқдори сув хўжалиги тизимидаги ташкилотларда

<sup>1</sup> Aniq.uz (электрон манба)

<sup>2</sup> Norma.uz (электрон манба)

энг кам иш ҳаққининг 38,2 фоизини, энг юқори иш ҳаққининг эса 15,2 фоизини ташкил қилмоқда.

Бу эса, ушбу маош билан ташкилотда ишловчи ходимнинг оиласида 2-5 нафар оила аъзолари мавжуд бўлиб, ходимнинг ўзи ёлғиз боқувчи бўлгани ҳолда кундалик истеъмол харажатлари учун ҳам оиласини боқа олиш имкони йўқлигини англатади.

Шу ўринда қуйидаги сўзларни келтиришимиз билан фикримизни янада далиллашимиз мумкин бўлади. “Ўз маошига кун кўролмайдиган одамга ҳатто кичик бир ваколат берилдими, бу унинг учун мансабидан фойдаланиш таклифига айланади”<sup>3</sup>.

Дарҳақиқат бундай ҳолда мансаб ваколатидан фойдаланиш имконияти билан шахс ўзининг шахсий манфаатлари учун ҳаракат қила бошлайди.

Демак мазкур ҳолатни иш ҳаққи ва ваколатлар ўртасидаги номутаносиблик сифатида эътироф этиш мумкин, бу ҳолат биринчи навбатда коррупцияни юзага келтириши табиий жараён эканлигини англатади.

Шу ўринда, бир ҳолатга эътиборни қаратишимиз лозим бўлади, яъни маош масаласи барча лавозимларда ҳам коррупцияни юзага келтирмайди.

Мисол учун, ушбу тизим ташкилотларидаги ҳайдовчи, фаррош ёки шунга ўхшаш лавозимларда ишловчиларнинг маоши кам эканлиги унинг коррупция қилишига олиб келмайди, ушбу лавозимдаги ходимларнинг маоши истеъмол саватчасида белгиланган миқдор доирасида бўлса кифоя қилади.

Бундай ҳолда ушбу лавозимда ишловчи шахс шу ташкилотдаги танишлари орқали бирор-бир масалани ҳал қилиб бериш эвазига моддий манфаатдор бўлиши орқали фақат фирибгарлик жинояти содир этилиши билан боғлиқ ҳолатлар учраши мумкин.

Бироқ, маълум бир ваколат берилган шахснинг маоши кундалик истеъмол учун етарли бўлмаса, ушбу ваколатдан шахсий манфаат йўлида фойдаланишга шароит яратилади.

Шу боис, “Истеъмол саватчаси”ни тўлдириш ва оила аъзоларининг ҳам моддий эҳтиёжларини қондириш учун ҳар бир ташкилот ходимининг оила аъзолари сони ҳам инобатга олиниши лозим.

Шунингдек, маош табақалаштирилган ҳолда лавозим мажбуриятидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлиб, масъулиятли айти вақтда коррупцияга шароит яратиши мумкин бўлган фуқароларнинг манфаатлари нуқтайи назаридан уларнинг фойдасига ҳал қилинадиган ваколатларда ишловчи ходимларнинг иш ҳаққи миқдорини мос равишда 1-2 бараварга ошириш талаб этилади.

Бундай ҳолда ушбу лавозимда ишловчи ходим бошқа ходимларга қараганда қарамликдан холи бўлиши, масъулиятли ишдан бошқа моддий наф кўриш ҳақида ўйламаслиги учун шароит яратилиши керак.

<sup>3</sup> М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир Li Kuan Yu хикматлари. Тошкент -2019 йил.

**Иккинчидан**, соҳада ишларни бажаришдаги муносабатларда ҳали ҳам эскича услублар яъни қоғозбозликнинг сақлаб қолинганлиги, рақамлаштириш, масофадан туриб муносабатга киришиш жараёнларнинг тўлиқ жорий қилинмаганлиги.

Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш, тўлиқ автоматлаштирилмаган бўлиб, булар қуйидагиларда намоён бўлишини кўришимиз мумкин.

Бунда сув ресурсларининг “манбадан далага” қадар етказиб берилиши жараёнида сув истеъмолчиси ва ҳудуд сувчиси, канал бошлиғи магистрал канал бошлиғи ёки сув омбор раҳбари, ушбу раҳбарлар билан бошқарма бошлиғи ва вазирлик ходимлари очиқ муносабатга киришади.

Бу ҳам ўз навбатида айниқса сувнинг танқислиги кузатилаётган жараёнларда коррупция ҳолатларининг содир этилишига шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5-сонли қарорига асосан сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш хизматлари учун тўловларни бекор қилиш; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан Давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизини Сув етказиб бериш хизматлари фаолиятини молиялаштириш, уларнинг балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилаш харажатларига йўналтириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги Солиқ кодекси 445-моддасига кўра, “Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқларни етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми, шу жумладан деҳқон хўжаликлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эга бўлган жисмоний шахслар ер ости ва ер усти сувларининг 1 куб. метри учун 100 сўм миқдоридан солиқ тўланиши<sup>4</sup> белгиланди.

Мазкур ҳолат ҳам назорат тадбирларини кучайтиришни тақозо этади, чунки ажратилган ва фойдаланилган сув лимитларини яшириш, ҳисобга олмаслик учун коррупцияни содир этилишига шароит мавжуд.

Бинобарин, сув истеъмолчиларига етказиб берилаётган сув лимитларининг амалда қабул қилиб фойдаланилиши жараёнлари автоматик қурилмалар билан жихозланмаган.

Қашқадарё вилояти мисолида фақат вилоятнинг Касби туманидаги “Миришкор-Қамаши” каналларида Австралия давлатининг “Rubikon water” компанияси томонидан қиймати 18,2 млрд. сўмлик технология ўрнатилиб, сув ресурсларини бошқариш автоматлаштирилган, бу орқали сув ресурслари сарфи олдинги йилга қараганда 11,5 млн м<sup>3</sup> иқтисод қилинган, ҳозирда ушбу тизим орқали сувнинг аниқ ҳисоби мавжуд бўлиб, ушбу каналга масъул шахснинг шахсий ёки бошқа манфаатларда сув истеъмолчиларига ортиқча сув лимитлари ажратишнинг имкони мавжуд эмас, бу ўз навбатида коррупциянинг олди олинишига ҳамда сув ресурсларининг тежалишини таъминлайди.

Сув хўжалиги тизими ташкилотлари ходимлари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида амалга ошириладиган муносабатларни тўлиқ рақамлаштириш,

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги Солиқ кодекси 445-моддаси, <http://lex.uz/docs>.

масофавий бошқарув тизимига босқичма-босқич тўлиқ ўтиб борилиши талаб этилади.

Мазкур ҳолатда сув ресурсларининг “манбадан далага” қадар етказиб берилиши жараёнида сув истеъмолчиси ва ҳудуд сувчиси, канал бошлиғи магистрал канал бошлиғи ёки сув омбор раҳбари, ушбу раҳбарлар билан бошқарма бошлиғи ва вазирлик ходимлари очиқ муносабатга киришолмайди, белгиланган лимитлар доирасида автоматик бошқарув тизими билан сув ресурслари етказиб берилди, натижада коррупцион ҳолатларнинг олди олинади.

**Учинчидан,** кадрлар захирасини шакллантириш, ватанпарвар, билимли сув хўжалиги ташкилоти ходимларини ишга қабул қилишга алоҳида аҳамият берилмаётганлиги.

Бугунги кунда ирригация олийгоҳларига ўқишга киришга билимли ёшларда бўлган талаб сезиларли равишда камайган.

Хусусан, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университетининг “сув хўжалиги ва мелиорация” факултетида 35 та давлат гранти, 25 та тўлов контракт асосида абитуриентлар 2023 йилда қабул қилинган, ўртача ўтиш бали давлат гранти учун 70,2 балл, тўлов контракт учун эса 62,9 баллни<sup>5</sup> ташкил қилган.

Ушбу кўрсаткични тўплаш мумкин бўлган 189 баллик энг юқори баллга таққослаб кўрилганда, университет факултетининг давлат гранти

37 фоиз, тўлов контракт 33 фоиз эканлигини кўриш мумкин, бундан кўринадики билимдон ёшларнинг бу ташкилотларда ишлаш учун олий ўқув йуртига киришга бўлган талаби даражаси ҳатто 50 фоизга ҳам етмасдан, анчагина паст эканлигини кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатда фундаментал билимлари яхши бўлмаган, ёшларни ўқишга, ўқишни тамомлаган талабаларни эса ишга қабул қилмасликнинг имкони йўқ, бу ўз навбатида сув хўжалиги тизимида давлат ва жамият ҳаёти учун ўта муҳим бўлган ваколатли лавозимларда билим даражаси паст бўлган ходимларнинг ишлашига шароит яратиб бермоқда.

Сув ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, ирригация ва мелиорация соҳасида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишларининг дастлабки лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган ходимларнинг бугунги ҳолати яъни оладиган маошига қараб билим даражаси паст бўлган ходимлар томонидан амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин, чунки билимли кадрлар хусусий лойиҳачи ташкилотлардан ортмайди, хусусий секторда бундай ишчиларнинг иш ҳақи миқдори давлат ташкилоти берадиган иш ҳаққидан 2-3 баробарга ортиқ ҳисобланади.

Кадрлар захирасини шакллантириш, ватанпарвар, билимли сув хўжалиги ташкилоти ходимларини ишга қабул қилишга алоҳида аҳамият бериш шарт ҳисобланади.

Сув хўжалиги мутахассислиги бўйича билимли ёшларни ўқишга қабул қилиш даражаси юқорида келтирганимиз каби иш ҳақи меъёрларига бевосита боғлиқ, иш ҳақи оширилиши билан бу тизимга ишга кириш мақсадида ўқишга кирувчи ёшлар сони ортиб боради.

<sup>5</sup> [Abt.uz/university/Toshkent-irrigatsiya-va-melioratsiya-instituti/2023](http://Abt.uz/university/Toshkent-irrigatsiya-va-melioratsiya-instituti/2023)

**Тўртинчидан**, сувни тежайдиган технологиялар жорий қилиш масаласида ҳам ҳанузгача тўғридан-тўғри муносабатга киришиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, коррупция ҳолатлари содир этилмоқда.

Мазкур ҳолатда кўпроқ мансабдор шахслар ва пудратчи корхоналар, пудратчи корхона ва талабгорлар (сувни тежайдиган технология жорий қилувчи фермер хўжалиги ва бошқалар) ўртасидаги муносабатда коррупциявий ҳолатлар содир этилади.

Мансабдор шахслар ва пудратчи корхоналар мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда сувни тежайдиган технологиялар жорий қилиш учун туманлардан ер майдонлари ажратиб берилиши ҳақида олдиндан ваъда бериб, мансабдор шахс пудратчи корхонадан моддий манфаатдор бўлади.

Мисол учун, Самарқанд вилоят Қишлоқ хўжалиги ходими К.Т. Сирдарё вилоятидаги “У.А.Р” МЧЖ иш юритувчиси Д.Ш.дан Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ва Қамаш туманларида фаолият юритувчи фермер хўжаликларига ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатиш лойиҳаси бўйича ғолибликни қўлга киритишда юқори лавозимда ишловчи мансабдор шахслар орқали амалий ёрдам бериш эвазига 40 минг АҚШ долларини олган вақтида ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2024 йилда

“Куйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 5 - сонли Қарорига кўра сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун фермер хўжаликларига кредит ажратиш “suvkredit.uz” платформаси орқали амалга оширилиши белгиланди.

Ушбу платформа фақат сув хўжалиги вазирлиги ва АТБ “Агробанк” тизимига интеграция қилинди, бироқ бугунги кунда дала майдонида экилган экин турини аниқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими, технология жорий қилиш учун электр тармоғининг мавжудлигини аниқлаш юзасидан Энергетика вазирлиги тизими ташкилотлари ҳам масъуллиги белгиланмаган ҳамда ушбу ташкилотлар билан интеграция қилинмаган.

Бу ҳам ўз навбатида аслида ташкилотнинг вазифасига кирмаган ҳолатда сув хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотларига қўшимча ваколат бериб, коррупциявий ҳолатларни юзага келтиради.

Пудратчи корхона ва талабгорлар (сувни тежайдиган технология жорий қилувчи фермер хўжалиги ва бошқалар) ўртасидаги муносабатда бўлса, кредит маблағларини ўзлаштириш мақсадида пудратчи корхонага ўтказилган маблағларни нақдлаштириш орқали фермер хўжалиги кредит маблағидан мақсадсиз фойдаланади.

Яна бир ҳолатда, Касби туманидаги “N.L.P” МЧЖ раҳбари Ш.К банк томонидан сувни тежайдиган технологиялар жорий қилиш учун пудратчи корхонага ажратилган пул маблағларининг 200 млн сўмини туман ҳокимлигидаги танишларига пора тариқасида бериши кераклигини айтиб, “А.Р.Т” МЧЖ раҳбари А.С.дан 16 минг АҚШ доллари олган вақтда тезкор тадбирда ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг 165-моддаси 3-қисми “а” банди, 28,211-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари ташкиллаштирилган.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий қилишда тўғридан-тўғри муносабатга киришиш ҳолатларини олдини олиш.

Мазкур ҳолатда кўпроқ мансабдор шахслар ва пудратчи корхоналар, пудратчи корхона ва талабгорлар (сувни тежайдиган технология жорий қилувчи фермер хўжалиги ва бошқалар) ўртасидаги муносабатларни масофавий бажариш ва назорат тизимини кучайтириш.

Бунда, Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш инспекцияси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясида сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинишини назорат қилиш учун камида ҳар бир бошқармада 5 нафардан ходимлар штат бирлигидан иборат бўлим ташкил қилиш.

Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш учун фермер хўжаликларига кредит ажратиш “suvkredit.uz” платформаси орқали амалга оширилиши жараёни билан боғлиқ ҳолда ушбу платформада дала майдонида экилган экин турларини аниқлаш учун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизими, технология жорий қилиш учун электр-энергия манбасининг мавжудлигини аниқлаш юзасидан Энергетика вазирлиги тизими ташкилотлари ҳам масъул этиб белгилаш ва платформага ойна очилиб интеграция қилиш.

Бу эса ўзининг вазифасига кирмагани ҳолда сув хўжалиги вазирлиги тизими ташкилотларига берилган қўшимча ваколатни бекор қилиб, коррупциявий ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади.

**Хулоса.** Юқорида келтирилган бартараф қилиш микони мавжуд бўлган ташкилий сабаб ва омилларнинг мавжуд бўлиши, коррупциявий ҳолатлар содир этилишининг давом этишига шароит яратади, шунга кўра, ташкилий сабаб ва омилларни доимий таҳлил қилиб ўрганиб, аниқлаш ҳамда ўз ўрнида бартараф этиб бориш лозим ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 30.12.2019 йилдаги Солиқ Кодекси, // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.01.2024 йилда “Куйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 5 - сонли Қарори, // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs>.
3. М.А.Раҳматов, Б.З.Зарипов. Истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлигидир Li Kuan Yu ҳикматлари. Тошкент -2019 йил.
4. [Abt.uz/university/Toshkent-irrigatsiya-va-melioratsiya-instituti/2023](http://Abt.uz/university/Toshkent-irrigatsiya-va-melioratsiya-instituti/2023).
5. Aniq.uz (электрон манба)
6. Norma.uz (электрон манба)